

## ШАРТНОМА № 3

Андижон шаҳри

2022 йил “6” апрел

Андижон вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор в.б Н.Норматов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “Ахрорбек-Аброрбек 777” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари Р.Мирзаев кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I Шартнома предмети

1.1 Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг Кир ювиихиизматини хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “1” январий

2022 йил “31” декабргача.

1.4 Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

### II Томонларнинг хукуқи ва мажбуриятлари

2.1 Аутсорсер куйидаги хукуқларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки қисмида техник жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3 Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4 Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5 Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7 Қонун хужжатларига мувофик бошқа хукуклар.

2.2 Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

- 2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли хамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз холга келгандан уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;
- 2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси хамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиши;
- 2.2.3 Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
- 2.2.4 Махфийлик тартибиға катъий риоя килиши;
- 2.2.5 Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
- 2.2.6 Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ хажмда кўрсатиши;
- 2.2.7 Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;
- 2.2.8 Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;
- 2.2.9 Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10 Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-аҳлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11 Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12 Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13 Томонлар имзолайдиган тегишли кабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14 Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15 Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);
- 2.2.16 Конун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар.

- 2.3 Буюртмачи қуидаги хуқукларга эга:
- 2.3.1 Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, күрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2 Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3 Шартномани бекор қилиш тұғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равиша огохлантириш, бунда күрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланған тартибда тұлаш;
- 2.3.4 Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуклар.
- 2.4 Буюртмачи қуидагиларга мажбур:
- 2.4.1 Бажарилған ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилған хисоб-фактура асосида күрсатилған хизматлар учун амалдаги нархлар бүйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тұлаши;
- 2.4.2 Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасыда биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вактінча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3 Қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар.

### **III Хизматлар нархи ва ұзаро хисоб-китоблар тартиби**

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **152595000 сүм (Бир юз әллік икки миллион беш юз түкson беш минг)** сүмни ташкил этади.
- 3.2 Аутсорсер томонидан күрсатилған хизматлар учун ұзаро хисоб-китоблар бажарилған ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилған хисоб-фактура асосида күрсатилған хизматларнинг амалдаги киймати бүйича бир ойда камида бир марта амалға оширилади.
- 3.3 Күрсатиладиган хизматлар хисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда күрсатилған хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний хисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалға оширилади.
- 3.4 Буюртмачи томонидан амалда күрсатилған хизматлар нархи белгиланған тартибда расмийлаштирилған бажарилған ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинған вакттан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланған суммадан ортиқ; бұлмаган миқдорда тұланади.
- 3.5 Мазкур Шартноманинг иловасида күрсатилған, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта күриб чиқилади.

### **IV Томонларнинг мажбуриятлари**

- 4.1 Аутсорсер шартнома мажбуриятларини үз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати үтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тұлайди, бунда пеняның умумий суммаси күрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2 Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив- хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4 Буюртмачига хар чоракда бир маротаба қўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5 Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда булган фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

#### **V Мунозарали вазиятларнн хал этиш тартиби**

5.1 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2 Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI Форс-мажор колатлар**

6.1 Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда холатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равища ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### **VII Якунловчи коидалар**

7.1 Ушбу Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

7.2 Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII Шартноманинг амал килиш муддати

8.1 Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор килингунига қадар амал килади.

### IX Томонларнинг маизили ва банк реквизитларн

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
<p>“Ахорбек-Аброрбек 777” МЧЖ Манзил: Андижон шахар Майбогча 108а уй Х/Р: 20208000805114772001 Банк: Трастбанк ХОАБ банкининг Андижон фил МФО: 01074 ИНН: 306659242</p> <p>Рахбар:  Р.Мирзаев</p> 	<p>Андижон вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт маркази Андижон вилояти Андижон шахри Фуркат кўчаси 5 уй Шх/р: 100021860034017073101054001 Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги х/р: 2340200109100001016 Марказий банк Тошкент шахар бош бонкармаси МФО: 00014 ИНН: 201122919</p> <p>Бош тифокор  Н.Норматов</p> 

"06" 04 2022 йил кунги  
3 сонли шартномага  
 илова

### Шартноманинг прогноз суммаси

т/р	ойлар	оидаги кунлар сони	ўлчов бирлиги	хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	хизмат бирлик- лари сони	жами суммас ККС сиз (сўм)	ККС % _____	Жами сумма ККС билин
1	Январ	31	хизмат кўрсатиш					
2	Феврал	28	хизмат кўрсатиш					
3	Март	31	хизмат кўрсатиш					
4	Апрел	30	хизмат кўрсатиш	9000	5652	50868000		50868000
5	Май	31	хизмат кўрсатиш	9000	2717	24453000		24453000
6	Июн	30	хизмат кўрсатиш	9000	2717	24453000		24453000
7	Июл	31	хизмат кўрсатиш	9000	2826	25434000		25434000
8	Август	31	хизмат кўрсатиш	9000	3043	27387000		27387000
9	Сентябр	30	хизмат кўрсатиш					
10	Октябр	31	хизмат кўрсатиш					
11	Ноябр	30	хизмат кўрсатиш					
12	Декабр	31	хизмат кўрсатиш					
Шартноманинг жами суммаси					16955	152595000		152595000



Бош тифокори в.б \_\_\_\_\_ Норматов



"Ахорробек-Аборробек 777" МЧЖ  
 рахбари \_\_\_\_\_ Р.Мирзаев